

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАНШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1995 йил декабр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• Баҳоси эркин нарҳда

АССАЛОМ, 1996 ЙИЛИ!

Янги йилда мамлакатимиздаги барча oilаларга бахту саодат, тинч-
тотувлик ва фаровон турмуш тилаймиз.

Эзу ниятларингиз ҳамиша йўлдошингиз бўлсин, азиз юрtdошлар!



Далв - Январь

д	1	8	15	22	29
с	2	9	16	23	30
ч	3	10	17	24	31
п	4	11	18	25	
ж	5	12	19	26	
ш	6	13	20	27	
я	7	14	21	28	

Хут - Февраль

д	5	12	19	26
с	6	13	20	27
ч	7	14	21	28
п	1	8	15	22
ж	2	9	16	23
ш	3	10	17	24
я	4	11	18	25

Ҳамал - Март

д	4	11	18	25
с	5	12	19	26
ч	6	13	20	27
п	7	14	21	28
ж	1	8	15	22
ш	2	9	16	23
я	3	10	17	24

Савр - Апрель

1	8	15	22	29
2	9	16	23	30
3	10	17	24	
4	11	18	25	
5	12	19	26	
6	13	20	27	
7	14	21	28	

Жавзо - Май

6	13	20	27
7	14	21	28
1	8	15	22
2	9	16	23
3	10	17	24
4	11	18	25
5	12	19	26

Саратон - Июнь

3	10	17	24
4	11	18	25
5	12	19	26
6	13	20	27
7	14	21	28
1	8	15	22
2	9	16	23

Асад - Июль

1	8	15	22	29
2	9	16	23	30
3	10	17	24	31
4	11	18	25	
5	12	19	26	
6	13	20	27	
7	14	21	28	

Сунбула - Август

5	12	19	26
6	13	20	27
7	14	21	28
1	8	15	22
2	9	16	23
3	10	17	24
4	11	18	25

Мезон - Сентябрь

2	9	16	23	30
3	10	17	24	
4	11	18	25	
5	12	19	26	
6	13	20	27	
7	14	21	28	
1	8	15	22	29

Ақраб - Октябрь

7	14	21	28
1	8	15	22
2	9	16	23
3	10	17	24
4	11	18	25
5	12	19	26
6	13	20	27

Қавс - Ноябрь

4	11	18	25
5	12	19	26
6	13	20	27
7	14	21	28
1	8	15	22
2	9	16	23
3	10	17	24

Жадди - Декабрь

2	9	16	23	30
3	10	17	24	31
4	11	18	25	
5	12	19	26	
6	13	20	27	
7	14	21	28	
1	8	15	22	29



риб туриш тавсия қилинади. Шунингдек, табобат амалиётида куп қуланиладиган, дорихоналарда мавжуд бўлган перорал ре-

• Буни ҳар бир оила билиши керак

ЮҚУМЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ МУҲОФАЗАСИ

Овқатланишдаги ва овқат ҳам қилиш органларидаги меъернинг бузилиши сабабли юзга келадиган юқумли ичак касалликлари бола организмидagi фаолиятни бутунлай издан чиқаради. Маълум бўлишича, дунё бўйича ҳар йили ошқозон-ичак касалликлари туфайли 3 миллиондан ортиқ бола бевақт оламдан куз юмаркан.

1. Овқат ҳазм бўлмаслиги юқумли ичак касалликларини келтириб чиқаради ва бола организмнинг куп миқдорда суюқлик йўқотишига сабаб бўлади. Шунинг учун бемор болага турли хил суюқлик, эритмалар бериш тавсия этилади. Бола организмнинг суюқликка эҳтиёжи ута даражада ошиши билан боғлиқ жараён ҳатто унинг ҳалокатига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундай пайтда эса болага кукрак сутти, қатик, сабзавотлар шореси, суюқ бутқа, шўрва, мевалар шарбати, суюқ чой, қайнатилган ва совутилган тоза сувни тез-тез бе-

гидратацион тузидан фойдаланиш мумкин. Аммо буни сут, қатик, шўрва, мева шарбати каби суюқликларга қўшиб мумкин эмас. 4 чой қошиқ шакар ва ярим чой қошиқ бунақа тузни 1 литр тоза сувга аралаштириб, эритма тайерласа бўлади.

2. Купинча, овқат ҳазм бўлмаслиги оқибатида бола безовта бўлганда унга овқат ёки суюқлик бериш мумкин эмас, деб ҳисоблашади. Аммо шифокор маслаҳати билан ундай пайтда одатда ишга ҳисил йўқотлади. Натيجжада уни овқатлантириш жуда қийин кечади. Аммо боланинг яхши курайдиган таомларидан пишириб, кам-кам бериб турилса бўлади.

3. Гоҳида онага ошқозон-ичак касаллиги билан безовталанаётган боласини эмизмаслик маслаҳат бе-

рилади. Бу мутлақо нотутри. Мутахассислар бундай бемор болани ҳатто купроқ эмизish кераклигини тавсия қилишади.

4. Бола уткир юқумли ичак касаллиги билан оғирганда, уни қўшимча озиқлар билан купроқ таъминлаш организмнинг касалликни енгишига сабаб бўлади. Буни доимий режани биттага ошириш йўли билан амалга оширса бўлади.

5. Агар бу касаллик болангизда ниҳоятда оғир кечиб, икки ҳафтадан ортиқ давом этса, дарҳол шифокорга мурожаат қилишингиз лозим. Яъни ота-она боласида қуйидагича узатирилган сезилган чоғи шифокорга тезла учрашиши керак:

- а/ болада тан ҳарорати кўтарилса;
- б/ болада ута чанқоқлик сезилса;
- в/ бола овқатдан ва ичимликлардан бош тортса;

г/ тез-тез қайт қилса;

д/ болада тез-тез суюқ нажас (ахлат) бўлса;

е/ нажасда қон белгилари кузатилса.

6. Шифокорнинг маслаҳатисиз дориюлардан, минерал тузлардан фойдаланиш мумкин эмас. Чунки юқумли ичак касалликларига қарши дориюларнинг аксарияти бола организмни учун яроқсиз ва зарарлидир.

7. Она боласини шахсий гигиена қоидаларига тула амал қилган ҳолда озиқлантириши керак. Чунки ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқарувчи бактериялар, вируслар жуда тез тарқалади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, у болангизга сув орқали ҳам, озиқлар орқали ҳам, ҳатто уйинчоқлар орқали ҳам юқаверад.

Янги йил эшик қоққанда БУЛОҚ СУВИ ИЧИЛАДИ

Янги йил байрамини японлар жуда катта тантана билан кутиб оладилар. Байрам арафасида уйдаги барча ланш-товуқлар тозалаш ювипади ва уларга зилол булоқ суви тулариб қўйилади. Хонадонларнинг эшикларига эса бахт ва осуда-лик рамзи бўлган бамбук ҳамма қарағай новдларини осиб қўядилар. Японияда 8 ва 100 рақамлари бахтли сонлар ҳисобланади. Шунинг учун соат тунги 12 бўлганда Буада ибодатхоналарида кунгироқлар 108 марта бонг уради ва янги йил кирганлигини билдиради. Унинг овози радио орқали мамлакатга эшиттирилади. Янги йил кириши билан японлар наишлардаги булоқ сувдан ичадилар. Булоқ суви янги йилда оғизга олинадиган биринчи ичимликлар.

Б. Усмонов сурати

• Акс-садо

ҚИЗИМ БОҒЧАДАН БОШ ТОРТДИ

Ассалому алайкум «Оила ва жамият» тахририяти ходимлари. Мен сизларнинг газеталарингизни мунтазам равишда ўқиб бораман. Унда чоп этилаётган мақолаларнинг ҳаммаси ҳам одамларнинг фикрини

тортадиган ажойиб мақолалардир. Газетанинг 23-30 ноябр сониди «Бола нега боғчадан безадми?» мақоласини ўқиб чиқдим ва шу мақола юзасидан баъзи бир фикр ва мулоҳазаларим билан уртоқлашмоқчи эдим.

Бола боғчага борганда ҳаётнинг илк сабоқларини тарбиячи орасидан олади. Тарбиячининг ҳар бир сузи, ҳар бир ҳаракати боланинг диққат-этиборида бўлади.

Болани тўғри тарбиялай олиш, унинг қизиқишларини ўстириш тарбиячининг маҳорати-га боғлиқ. Рузномада баён этилган воқеа, бизнинг оилада ҳам содир бўлди. 5 йшли қизим боғчага боришдан умуман бош тортди. Бир ноҳиядан бошқа ноҳияга кўчиб ўтишимиз сабабли, қизимнинг ҳам боғчаси ўзгарди. Боғчага катта қизиқиш билан борадиган бола аста-секин ўзгара бошлади. Сабаби, боғчада деярли машғулотлар ўқитилмайди, тарбиячи болалар билан қўпол муомалада бўлади. Боғчанинг қизим учун деярли қизиғи қолмади.

Тўғри, тарбиячиларга ҳам осон тўтмайман. Лекин 20-25 боладан бир хил нарсани талаб қи-

либ бўлмайдику. Ҳар бир боланинг ривожланиши, қизиқиши, дунёқараши турличадир. Ҳар бир болага алоҳида эътиборни қаратиб, тарбиялаш керак.

Тарбиячилар машғулотларга ута пухта тайёрланишлари, купроқ миллий тарбияга эътиборларини қаратмоқлари лозим. Боланинг ёшига мос равишда дастурлар тайёрланиши, ҳамда шунга мос равишда қизиқарли уйинлар ташкил этилиши лозим. Машғулотлар давомида яхши қатнашган болалар рағбатлантириб борилса боланинг ҳаракати, қизиқиши кундан-кунга ўсиб боради. Бола доимо янгиларига интилади. Шу интилишнинг ҳеч қачон сундиримаслик, аксинча тақомиллаштириб, ўстириб, бориш керак. Болалар боғчасида иш-лаётган ҳар бир киши ҳам тарбиячи бўлавермайди, бу касб ута қийин ва шарафлидир.

Мурғак бола қалбини, тилини тушунадиган, унинг қизиқишларини тўғри баҳолаб, унинг шаклланишига тўғри йўл кўрсата оладиган кишигина тарбиячи бўла олади. Шундай экан, ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз қимнинг қўлида тарбияланаётганига бефарқ қарамайлик.

Вилоят Юлдашева,
Сирғали туманидаги
305-лицей ўқитувчиси



• Туркистон бир — Ватан бир

МАРДЛАР ҚҰРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Қозғистон Республикасида ҳарбий хизмат муддатини яна икки йил қилиб белгилашга қарор қилинди. Олий ўқув юртларини битирган йигитларга аввалгидек имтиёз берилмади, улар атиги бир йил хизмат қиладилар. Лекин улар ҳарбий қафедрада ўқиб, офицер унвонини олган бўлишса, уч йил хизмат қилишга мажбурлар.

ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ДАСТУРИ

Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси ҳукумат томонидан тайёрланган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг 1995—2000 йилларга мўлжалланган Дастурини қўриб чиқди ва қабул қилди. Дастурда тоғ-кон саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Дастурни Олий Мажлис муҳокамага қўйишдан олдин Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси каби қатор нуфузли ташкилотларнинг хулосалари олинди.

ЎЗ САМОЛЁТИНГ БЎЛГАНГА НИМА ЕТСИН


Қирғизистон ва Россия авиасозлари йилига 50-60 та Ту-34 ва Ту-204 русумларидаги кичик самолётлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қўшма корхона тузишди. «Арнакс» номли бу қўшма корхона асосан беш ва етти ўринли самолётлар ишлаб чиқаради. Уларнинг нархи 50—100 минг АҚШ доллари атрофида бўлиши кутилмоқда.

«КИМ БУ КИМ?»

«Қозғистон: ким бу ким?» номли китоб мамлакатда маълум ва машҳур бўлган санъат, фан-техника, иқтисод, сиёсат ва бошқа арбоблардан 200 нафари тўғрисида батафсил маълумот беради. Жумладан, китобдан мамлакат Президенти Нурсултон Назарбаев, биринчи қозоқ космонавти, Республика Халқ Қаҳрамони Т. Аубакиров каби таниқли кишиларнинг таржimai ҳоллари ўрин олган.

БОШ МАСАЛАЛАРДАН БИРИ

Тожикистон ҳукумати учун алоҳида нон ва нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш бош масалалардан бири бўлибди. Ҳукумат томонидан ноннинг нархи 25 тожик рубли даражасида қатъий белгилаб қўйилган. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари эса нон билан чайқовчилик қилишининг, қишлоқ туманларида галла ҳосили талон-тарож қилинишининг олдиди олиш боради қатор тадбирлар ўтказилмоқда.



• Содда муолажалар

ЙЎТАЛНИНГ ДАВОСИ

Олимларнинг тадқиқот қилишларича инсон организми-
ги энг совуқ-иссиққа таъсирчан аъзо оёқ ва юқори нафас йуллари экан. Одам танасидаги бу аъзолар бири-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, агар совуқдан оёқлар совуса, организмда ҳарорат пайсасий бу юқори нафас йулларига ҳам таъсир қилади. Яъни, томоқ оғрийди, тумов булади ва ҳоказо... Шунинг учун ҳам йилнинг совуқ паллаларида авваламбор оёқларни иссиқ тутиш лозим. Бу шамоллашнинг олдини оладиган асосий муҳофаза амалларидан биридир. Айниқса, ҳозирги иссиқ-совуқ узгарувчан оби-ҳавода ана шундай эътиборсизликлар оқибатида шамоллаш ҳоллари куплаб учрайди. Бу анча ташвиш солиши, дори-дармонларни танқислиги кайфиятингизни хира қилиши табиий. Лекин, дардни зурайтирмай вақтида имкон қадар олдини олган маъқул. Дори-дармонларга эҳтиёж сезмай ҳам уй шароитида халқ табобатида синалган, қулланилган беозор даволардан фойдалансангиз, дарддан тез орада фориғ буласиз: Қуйида биз шамоллаганда, қаттиқ йутал булганда қулланиладиган даволаш муолажалари ҳақида маълумот берамиз:

Энг содда фойдали даво шамоллаганда, қайноқ сутга бир қошиқ сариеғ солиб ичиш ёхуд сутни ичимлик содаси билан (бир пиёла сутга ярим чой қошиқ нисбатиде) истеъмол қилинса, тезда йутални қолдиради. Албатта, муолажа бир ҳафта давомида қилиниши керак.

Орасига сариеғ еки думба қуйилиб, пиширилган беҳи ёки шолғом қуруқ йуталга фойда қилади.

Чилонжийда меваларидан тайёрланган дамлама юқори нафас йуллари шамоллаганда ижобий натижа беради. Бунинг учун 20 грамм майдаланган мевани ярим чойнак қайноқ сув билан бир соат давомида дамлаб қуйилади. Дамлама кунига уч маҳал, овқатланишдан олдин ичилади.

Кечкурун хуруж этадиган изтиробли йуталдан фориғ этувчи амал: янги тухумдан бир дона, 1 ош қошиқ шакар, 1 чой қошиқ асал, сариеғ, ичимлик содаси олиниб, 1 стакан иссиқ

сутга яхшилаб ара-лаштирилади. Мазкур дори иссиқ вақтида ичилади. Болалар бир маҳал, катталар уч маҳал ичади.

Бир чимдим аччиқтош сувда эритилиб, илиқ ҳолда оғиз чайиладиган бўлса, томоқ безларининг яллиғланиши, оғришига хотима беради.

Томоқ оғриганда пиёз ва олманинг қирғичдан утказилган бутқасидан истеъмол қилинса, тезда тузалади.

Турп сувининг асал билан қайнатилгани кукрак оғриғида, шамоллаганда, қуруқ йуталда жуда фойдали ҳисобланади.

Тумовнинг бошланиш чоғида бош пиёз ёхуд саримсоқни қирқиб тез-тез ҳидлаб туриш дард зурайишининг олдини олади.



А. Абдурахмонов сурати

Бу ажиб дунё

СОЧ ВА ФИКРЛАР

Америкалик олимпларнинг аниқлашлари-
ча, кишининг ақлий қобилияти қай даража-
далигини билиш учун тестлар утказиб ути-
ришга ҳоҷат йўқ экан. Бунинг учун уша ки-
шининг соч топапарини текшириб куриш ки-
фоя қиларкан. Хусусан, уларнинг таъкидлаш-
лари-ча, куп фикрловчи одамларнинг сочи-
да руҳ миснинг миқдори куп бўларкан. Иш
фаолияти ақлий меҳнат билан боғлиқ бўл-
маганларда эса аксинча экан.

Бурундан қуюқлашган суюқ-
лик келиб, киши узини но-
хуш сеза бошлагач, дарҳол
хардали (горчичник) қоғозла-
рини илиқ сувда намлаб, оёқ
остиға боғлаб, жун пайпоқ
кийиб, 1-2 соат утгандан сунг
хардали қоғозлар олиниб, би-
роз юрилади. Бундай содда
амал уйқудан олдин қуллани-
ши ижобий натижасини кур-
сатади.

Арпабодиен меваси (уру-
ғи)дан тайёрланган дамлама
юқори нафас йулларининг
шамоллаши, упка шамоллаши
каби касалликларга эмлик қи-
лади.

• Панжара

«Қотил» ва
«ўғригина бола»

Қарши шаҳридаги «Шабода»
ошхонасида қоровуллик вази-
фасини бажарувчи Х. Суюнов ошхо-
нага ўғирликка кирган йигитни пи-
чоклаб ўлдириб қўйди. Бу мудҳиш
воқеада айбдор ким эканлиги ҳа-
қидаги ҳолис хулосани халқ суди
қиқаради.

Меҳмонларни энди
«сийлашади»

Ховос тумани ички ишлар хо-
димларининг зудлик билан олиб
борган чора-тадбирлари натижа-
сида Россия Федерациясининг Та-
ристон Республикаси фуқарола-
ри Р. Филипов ва М. Камалет-
диновларнинг ёнидан 3 килогра-
м-у, 500 грамм гиёҳванд модда
топилган.

Қотил
дарров топилди

Тошкент шаҳрининг А. Икромов
туманидаги болалар боғчасининг
ҳовлисида номаълум эркак киши-
нинг қоп ичига жойланган, ваҳ-
шийларча таҳқирланган жасади
топилган эди. Тезликда қурилган
чора-тадбирлардан сунг қотил то-
пилди. У муқаддам 3 марта суд-
ланган Б. Рожнов экан.

Еркатоининг эркаси

Наманганнинг Еркатои деган
қишлоғида яшовчи ўқитувчи йигит
бир эркатоилик қилгиси келдими,
хуллас, ўз тенгдошини пичоклаб
ўлдириб қўйди. Энди бу эркалик
эмас, ваҳшийликдир, дейишмоқ-
да ҳамқишлоқлари.

Шўҳрат Рўзиев,
ИИБ Матбуот маркази ходими

Янги йил эшик қоққанда

БАХТЛАРИНИ СИНАЙДИЛАР

Руминияда янги йил байрами дастурхонига
албатта варақи сомсалар пиширилади. Одат-
га кўра, варақлар ичига узук, митти кўгир-
чок, қалампир кабилар солинади. Эътиқод қи-
линишича, қиз болага узук чиқиши унинг шу
йил турмушга узатилишидан, аёлга кўгирчок
чиқиши унинг фарзанд кўришидан дарак бе-
рармиш. Варақидан қалампир чиқиши шўр пе-
шоналик, янги йилда ишларнинг юришмасли-
ги, омадсизлик белгиси ҳисобланади.

ШАБРИКЛАЙМИЗ!

гизга тинчлик, иш-
ларингизга ривож
тилаб

«Тўра АСҚАР ўғли»
савдо фирмаси
ходимлари
Шахрисабз

Азиз волидам ва Падари
бузрукворим Абдукарим ака
ва Барноҳон опа ҳамда умр
йўлдошим Муҳаббатхон, си-
нглим Зулайхоҳонлар! Сиз-
ларни таваллуд айёмларин-
гиз билан табриқлайман. Ха-
миша соғу саломат бўлинг-
лар.

АХТАМЖОН

Хурматли Гулнора
ИБРАГИМОВА, Гулнора
ЧОРШАНСИЕВА ва
Дилором МИРЗАЕВА!

Сизларни таваллуд
айёмларингиз ва яқинла-
шиб келаётган Янги йил бил-
лан муборақбод этамиз.
Янги йилга эш тугилган
экансизлар, илло қалбла-
рингизни янги-янги орзулар
тарк этмасин.
Соғу саломатлик, оилан-

ИЗОХ

Декабр ойидан «Шанишув» эълонининг баҳоси 100 сфм, шунингдек «Шабрик», «Ғазо
савдо» эълонлари қуйидаги тартибда белгиланди: бир босма белгининг (ҳарф, тиниш белгиси)
баҳоси 60 тийин. Шабриклар сурати билан берилса, битта суратининг баҳоси 60 сфм.
Ғи кун илдида берилган эълонлар икки баробар қиммат.

Нуктаи назар

НОХУШ ВОҚЕА СОДИР БЎЛСА...

Халқимизда «қудачилик — минг йилчилик» деган нақл бор. Бу бежиз эмас, албатта. Азал-азалдан халқимиз оила қуриш, қуда-андачилик муносабатларига катта эътибор билан қараб, оилаларнинг бузилишига катта фожиа сифатида баҳо бериб келган. Шу туфайли ажралиш ҳолатлари кам юз берган. Бироқ шуни тан олиш керакки, бу қадимда барча оилалар бахтли яшаган, деган сўз эмас. Баъзан шундай вазиятлар вужудга келадики, бунда эр-хотиннинг ажралишини ҳаётий зарурати сифатида қараши мумкин. Бунга эр-хотин ўртасидаги турли хил тафовутлар, психологик номослик, эр-хотиндан бирининг тузатиб бўлайдиган даражада ичкиликка ва ғиёвхандликка муккасидан кетиши, тасодиф туфайли тузалмас руҳий касалликка чалиниши, жиноий йўللарга киришини мисол қилиб қўраш мумкин. Бундай ҳолатларда оилавий муҳит но-соғлом бўлади.

Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, биз бугун ҳар галгидек оилани қандай сақлаб қолиш эмас, балки турли сабабларга қура оила бузилгандан сўнг ажралишган эр-хотинлар бир-бирлари билан қандай муносабатда бўлишлари лозимлиги, психологлар тили билан айтганда, «ажралиш маданияти» ҳақида сўз юритмоқчимиз. Чунки дунё халқларида, айниқса, гарб ва Америка давлатларида «ажралиш маданияти» бир мунча юксак, яъни ажралишган эр-хотин орасидаги муносабатлар ва маънавий, иқтисодий ҳамда психологик қийинчиликлар асоратсиз ҳал этилишига ҳаракат қилинади.

Асрлар давомида халқимизда шакл-

ланган урф-одатларга қура, фарзандлари орқали келинли ёки қуввли бўлган оналар, уларнинг қариндошлари бир-бирлари билан кўп йиллик қариндошлик иplarини боғлайдилар. Аммо эр-хотиннинг ажралиши бу қариндошликка барҳам беради. Оқибатда фақат эр-хотин ўртасида эмас, балки қудалар орасида ҳам совуқ муносабатлар юзага келади. Баъзида бундай муносабатлар кучайиб, жиддий тус олиши, ҳар хил нохуш, ҳатто фожиали ҳодисаларнинг юз беришига сабаб бўлиши мумкин.

Ажралишган эр-хотинлар ўртасидаги психологик муҳитни урганиш ва ажралишнинг салбий асоратларининг олдини олиш мақсадида ўтказган илмий тадқиқотларимиз натижаларига қура, ажралишган ўзбек оилаларида эр-хотинларнинг ва уларнинг қариндошлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг 75,6 фоизи салбийдир.

Европа оилаларидаги ажралишларда эса юқоридаги курсаткич 20,2 фоизни ташкил этади.

Халқимизнинг миллий урф-одатларини, қадриятларини, этнопсихологик хусусиятларини назарда тутасак, ўзбек оилаларида ажралиш янада кўпроқ салбий асоратлар қолдиради. Бу ўз навбатида жамият ишлаб чиқаришига, одамларнинг меҳнат қилиш фаволиятига, ота-оналарнинг ва болаларнинг руҳиятига таъсир этмасдан қолмайди. Нотўлиқ оилалар сони кўпаяди. Собiq эр-хотинлар ва уларнинг қариндошлари бегоналар олдидан изза бўладилар, ўзгалардан узоқроқ юришга ҳаракат қиладилар.

Мутахассисларнинг берган маълумотларига қура ажралишнинг биринчи йили касалликка чалиниш ва унинг курсаткичлари шу ёшдаги нормал оилаларга нисбатан 10-12 баробар ортиқдир. Балогатга етмай жиноят йўлига кирган тарбияси огир болаларнинг 10 фоизи 8 отасиз, 8 онасиз. Педагогик назоратсиз ўсаётган болаларнинг 60 фоизи отасиздир.

Ажралишларнинг мумкин қадар асоратларсиз ўтиши аввало ҳар биримизнинг ҳаётда ўз бурчимизни тўғри англаб етишимиз билан боғлиқ. Шу боис биз оилаларимизда психологик муҳитнинг соғломлигини таъминлаш мақсадида, ажрашган оилалардаги собiq эр-хотинлар ва қайнона-қайноталарга қуйидагиларни маслаҳат сифатида тавсия этишни лозим топдик.

Ажрашган эр-хотинларга:

- ажралишни катта фожиа сифатида қабул қилманг;
- фикр-хаёлингизни фақат ажрашган турмуш ўртоғингиз, оилангиз билан банд қилманг;
- ҳаёт фақат шундан иборат экан деган фикрдан қочинг;
- ўзингиз севган машғулотларингизга берилинг;
- сизга нисбатан ҳаёти бир неча бор огир бўлган шахсларни эсга олинг;
- ўзи ёш бўла туриб улим тушагида ётганларни кўз олдингиздан ўтказинг ва уларнинг дарди олдидан ажралишнинг ҳеч нарса эмаслигини тушуниб етинг;
- сизнинг кайфиятингиз, саломатлигингиз, ақл-идрок ва меҳрингиз яқин қа-

риндошларингизга ва фарзандингизга зарур эканлигини доим эсда тутинг;

— ҳаётингизнинг ўзи катта бахт эканлигини унутманг.

Ҳаётда турли вазиятлар бўлади, киши ёшидан қатъий назар хатоларга йўл қўяди, турмуш ўртоғини нотўғри танлаш, унинг шахсини билмасдан оила қуриш, баъзи ҳолларда оилавий бахтнинг қадрига етмаслик ҳоллари учраб туришини фарзандларингизга тушунтириб бериш лозим бўлиб қолади, шунда уларга қуйидагиларни маслаҳат сифатида беришингиз мумкин:

— ажралиш ҳаётий зарурат бўлиши мумкинлигини;

— сиз билан қандай муносабатда бўлишдан қатъий назар, унингдек тақдорланмас шахснинг дунёга келишига ўша турмуш ўртоғингиз сабабчи бўлганлигини ўқитинг;

— оиладаги ажралиш ҳодисаси унга янада каттароқ масъулият юклашини, у ўз ахлоқ-одоби ва ақл-идроки билан сизга ёрдам берилишини таъкидланг;

— тушқунликка тушмасдан келажакка ишонч билан қараш кераклигини ўқитинг.

Ажралишган эр-хотинларнинг ота-оналарига (қайнона-қайноталарига) қуйидагиларни тавсия этамиз:

— маълум сабабларга қура ажралишган фарзандингиз сиз томондан маънавий ёрдамга муҳтож эканлигини унутманг,

— инсон умри нихоятда қисқа эканлигини ва ҳаётда қилган хатоларингиз ўз вақтида тузатилиши ҳамда бу хатолар учун авлодлар жавоб бермаслигини эсда тутинг;

— ҳаётнинг қисқалигини назарда тутиб қўлингиздан келганча оиласи билан ажралишган фарзандингизга, сиз билан бирга яшаётган келин-куёвларга ва набираларингизга яхшилик қилинг, улар ҳақида ўзгалардан нотўғри аниқса, салбий тасаввур шакллантирманг;

— ҳар бир қилаётган ишингиз, ҳукмингиз, қарорингиз ёшингизга мос бўлсин; — юлдузлари тўғри келмаган икки ёшнинг ажралиши фақат икки ёшнинг ажралишидир.

Шуни доим эсда тутган ҳолда, қудаларингизга, қудалар томонидан қариндошларингизга бўлган инсоний муносабатларни ўзгартирманг;

— набиранингизга бўлган муносабатингизни салбий томонга ўзгартирманг. У ким билан яшашидан қатъий назар сизнинг авлодингиздир. Шу ҳеч вақт эсингиздан чиқмасин.

Юқоридаги фикрларимиздан келиб чиққан ҳолда инсондаги барча инсоний фазилатлар энг аввало ўзлигини руҳий англаш, саломатлигини асраш, халқнинг жаҳоншумул манфаатларига хизмат қилиш, оила барқарорлигига эришиш, ажралишда одилона муносабатда бўлиш — буларнинг ҳаммаси инсон баркамоллигини таъминлайдиган манбалар деб қабул қилишимиз керак.

Фахриддин РЎЗИКУЛОВ,
психолог, Навоий Давлат
педагогика институти катта
ўқитувчиси

• Онажоним табият

ҳаёт билан видолашади ёки бир-бир ярим ой мобайнида бетоб бўлиб юради.

Аскар ХОЛМУМИНОВ



ДЕРАЗА

ҲАЗИЛ ҚИММАТГА
ТУШМОҚДА

Челябинскда портловчи моддалар ҳақида ички ишлар бўлимига келаятган ҳазиллар жуда қупайиб кетди. Натижада милиция тезкор турушининг қилаётган ҳаракатлари моддий томондан катта зарар келтирмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида Челябинск шаҳри мэри В. Тарасов ёлгондакам хабар берувчидан 60 миллион рубль жарима ундирилиши ҳақида қарор қабул қилди. Энди челябинский ҳазилкашларга анча қийин бўлади ганга ухшайди.

БОИНГЛАР
ПОРТЛАМОҚДА

Американин «Америкэн эйрлайнз» Авиакомпаниясига қарашли «Боинг-757» Самолети Колумбиянинг Кали шаҳрига яқин жойда ҳалокатга учради. Колумбияликларнинг хабар беришича, самолётдаги 164 йуловчидан бахтли тасодиф туфайлигина 5 нафари омон қолган. Бу 1994 ва 1995 йилларда «Боинг» русумли самолётларнинг 12-маротаба ҳалокатга учрашидир.

ОЛТИНГА ТЕНГ
ЖЕТОНЛАР

Москва шаҳар метроси йўл ҳақи яна қимматлашди. Энди метрога тушмоқчи бўлган йуловчи 1500 рублга жетон сотиб олиши керак бўлади. Метрополитен раҳбариятининг таъкидлашича, метро хизмати ўз ҳаражатларини қопламётган экан. Шаҳар маъмурияти метрога ёрдам қўлини чузмоқчи, аммо бунинг учун пулни қаердан олишни билмасдан бошлари қотган.

НАТОНИНГ ҲАРАКАТИ

Собiq Югославия ҳудудига тартиб урнатиш мақсадида НАТО қўшинлари киритилди. Қўшин таркибида Американин 20 минг нафар солдатлари бор. АҚШнинг бу ерга келтирилган қўшинлари таркибидagi 1-бронетанк дивизиясининг бир кунлик ҳаракати учун 1,2 миллион литр енилги керак экан.

ЭНГ ЯХШИЛАР

Россиядаги «Футбол» ҳафтаномазининг утказган сурови натижасида Иля ЦИМБАЛАР энг яхши футболчи эканлиги аниқланди. Суровда «Спартак» жамоасининг капитани Виктор Онопко иккинчи, Волгограднинг «Ротор» жамоасининг яримҳимоячиси Олег Веретенников учинчи урин эгаси деб топилди.

Хорижий матбуот хабарлари
асосида тайёрланди

ЧАРХ ИЛОН

Чарх илон республикамиз ҳудудларида яшайдиган заҳарли илонлардан бири ҳисобланади.

Чарх илон деб ном олишига сабаб шуки, у бирор хавфни сезса, жойида чарх каби айланиб ҳаракатлана бошлайди ва ён томонидаги тангачаларини бир-бирига ишқалаб галати товуш чиқаради.

Ўзбекистонда чарх илонни кўпроқ Термиз атрофида, Боботог этакларида, Шурчи туманининг майдонларида учратиш мумкин. У феврал ойининг охирида қишладан чиқади. Қиш иссиқ келганда ҳам индан ташқарига чиқиши мумкин. Ёзда, айниқса, кечаси жуда фаол ҳаракат қиладди.

Катта чарх илонлар кемирувчилар, калтакесаклар, қурбақалар ва ўқ илонларни ҳам тутиб ейиши мумкин.

Ургочи чарх илонлар август ойининг бошларида 4 тадан 12 тагача тирик бола туғади. Янги туғилган илон болаларнинг бўйи 10-15 см. келиши мумкин.

Чарх илон чаққан кишиларда огрик жуда кучли бўлади. Илон чаққан киши баъзан учинчи қуни

XXXII

Лондон, 1748 йил 18 ноябрь
Жондан азиз болажоним!

Бир хил обрў ва максада эга бўлган одамларнинг баъзилари сенга ёқиб, айримлари ёқмаслиги хусусида жиддийроқ уйлаб кўрсанг, ишончим комилки, бунинг асосий сабаби латофатда, истаранинг иссиқлиги-ю, муомаланинг юмшоқлигида эканлигини аңлайсан. Мен қадри-қомати келишган, яхши тарбия қўрган, бироқ ҳеч қимга ёқмайдиган гузал аёлларнинг анчасини биламан. Одамлар улардан кура унча гузал бўлмасда, латофатли, истараси иссиқ хонимлар билан суҳбатдош бўлишга интилади. Сабаби? Сабаби шундаки, ута назокатли бўлмаганда ҳатто Венера ҳам эркакларнинг қалбини ром этолмасди. Худди шунингдек, зукко ва билимдон бўлишларига қарамай жамоа ўртасида обрў қозона олмаган одамлар ҳам куп. Бунинг асосий сабаби ҳам уша — уларда латофат етишмаслигидир. Қайтага унча билимдон ва тағи тахлил бўлмаган кишилар уларнинг хушхалоллиги билан кўпчилик эътиборини қозонадилар.

Агар сен ана шундай хислатларга қандай эга бўлиш керак, деб сурамоқчи бўлсанг, жавобим битта — одамларни кузат. Улардаги ўзинга манзур бўлган энг яхши фазилатларини урган. Мен бу хислатлар сенга қандай ердам бериши мумкинлигини айти оламану, аммо, уларни сенга олиб беролмайман. Агар мен шундай қилолганимда, сенга бундан ҳам ортиқроқ совға бўлмасди.

Тарки дунё қилган файласуф Локк ҳам ушбу фазилатларга жуда юқори баҳо берган. Сенга мистер Эллиот орқали унинг машҳур «Тарбия хусусида» асарини юбораман. Ушбу китобда одамийлик сабақлари хусусида куп ва хўп ёзилган.

Германияда назокатли муомалага Англияга нисбатан қамроқ эътибор берилади. Бироқ сен бораётган юртда — Турнида хушхалолки кишилар бениҳоя куп ва уларни Германияда ҳам ҳурмат қилишади. Сардиниининг собиқ қироли Виктор Амадей

II — герцог Савойский (1675—1730) истеъдодли фуқароларнинг яхши тарбия қўришлари учун гоят қайғурган. Эшитишимча, ҳозирги қирол ҳам унинг хайрли иштини давом эттираётган эмиш. Ҳар ҳолда шунинг комил ишонч билан айтиш мумкинки, барча саройлару конгрессларда турли мамлакатлар элчилари орасида Сардиниия қиролининг вакиллари уларнинг хушхалоқу хуш-

ларди. Шунга қарамай, герцог ута ақли ва соғлом фикрли киши эди. Бироқ агар латофати бўлмаса, у ақли билан узоққа боролмасди. Қирол Иаков Пинин рафиқаси герцогиня Кливендская истараси иссиқ, хушқомату хушмуомала Малборога ҳомийлик қилади ва у жамиятда катта максада эришди. Ноеб фазилатлари тўғрисида бош қўмондонлик унвонига эришган герцог Малборо



муомалалари билан ажралиб туришади. Шу бонсдан ҳам Турнида сенга урناк бўладиган нафосат давраси бисерлигида шубҳа қилмайман. Маҳобатли антик маъбудаларнинг ҳайкалгига ошқўфта бўлган каби, яхши одамларнинг суҳбатиди бул, уларнинг муомалаю, юриш-туришларини кузат, урган, таас-сўз қил. Уларнинг хурсандчиликларида уларини тутишлари, мулоқотлар чоғида самимий ва очик кўнглиликлари, юз ифодаларида эътибор бер. Бундай кишилар уларни мушқул вазиятга тушиб қолиши мумкин бўлган суҳбатлардан ҳеч қимнинг дилини огритмай усталлик билан чиқиб кета оладилар. Ушбу фазилатлар, айниқса, ўзга юртларда бўлувчи дипломатлар учун бениҳоя фойдали.

Мен билан қирорлар орасида инглиз сий эрбоби, герцог Малборо Жон Черчилл ана шундай нафис фазилатлар соҳиби эди. Ҳар нарсасида чуқур ва жиддий сабаб ахтариладиган муҳтарам тарихчилар кўнглиларига олмасилар-у, бироқ ҳар ҳолда герцог Малборога шон-шухрат келтирган сабаб — унинг гузал фазилатларидир. Унда ҳеч қандай истеъдод қирралари сезилмасди, ҳатто саводи ҳам ҳақиқатдан бўлиб, ёзганда куп хато қи-

учун барчани уз иродасига бўйсундириш у қадар мушқул эмасди. У узаро ихтилофлардан қутула олмаётган Рим-Герман империяси, Англия, Нидерландия, Пруссия, Португалия каби давлатларини 1701 йили Гаага шартномаси асосида Буюк иттифокқа бирлаштириб, Франция ва Испанияга даф қилишга эришолган истеъдодли дипломат сифатида шухрат қозонган. Герцог ҳаминша ўзини совуқдон, вазмин тутарди, ҳар қандай вазиятга ҳам ҳатто юзидиги бир туки ўзармасди. Унинг қаршилик билдириши баъзиларнинг розилигидан ҳам назокатлироқ чиқарди-ки, ҳузуридан унинг олдида иши битмай чиққандар, пировардида герцог билан мулоқот қилгандаридан хўшнуд бўлишарди. Унинг тутиши ва муомала маданияти билан шону шухратга бурканган бундай кишилар тарихда анча бўлган, уйлайманки, сен ҳам уларни ҳали куп учратасан.

Муайян билимларни ўзлаштириб олдинг, энди улар билан бирга ноеб фазилатларга эга бўлсанг, сен ҳам яхши муваффақиятларга эришасан. Хушхалоқу хушмуомаласи ҳаётда бирор нарсаси етишмак бениҳоя мушқул. Биронта хорийги мамлакатга борган

дипломат қиролга ёки бош вазирга хуш ёқиб қолса, ишнинг битгани шу, мабодо акси бўлса, у еги ўзинга матулум. Бироқ бундан фақат ута муҳим учрашуларда хушхалоқли бўлиш лозим деган хулосага келиб юрма. Сен ҳар қандай вазиятга ҳар қандай даврда ҳам ўзини назокат билан тутишга одалган. Масалан, кофели пилани ноқулай ўшлаб ўтириш оқибатида тукиб юборганинг, костюминг тутмасини нотутти қадаганингни кўрсанг, мен уламан, бинобарин, сузларни ноаниқ таллаффуз қилиб гўддирганингда, суҳбат чоғида мавзудан қалбга бўлмағур нарсаларни вайсай бошлаганингни эшитсам-чи, нақ хушминий йўқотаман. Агар нафис фазилатларга эга бўлганингни эшитсам, енингга учиб бориб қўчгим, орастикда қусурларинг бўлсачи, сендан йироқ-йироқларга қочгим келадим.

Мактубим жуда чуқурилиб кетди. Лекин нафосат мавзуси шу қалар муҳимки, бу масалага ҳали яна куп маргалаб қайтишдан чарчамайман. Тўғри, балки сенга менинг бу уринишларим ортқча эъзабликдек туюлар, аммо шунинг билки, ўзингга намунали тутишни урганмас экансан, барча сай-ҳаракатларинг чипмакка чиқиши ҳеч гапмас.

Хайр!



А. Сапаров сурати

• Таъзим

Янги йил эшик қоққанда

КЎП ОВҚАТ ЕЙИЛСА...

Мугуллар яқин-яқин вақтларгача янги йилни баҳорда кўтиб олишарди. Эндликда янги йил 1 январда байрам қилинапти. Байрам кунин ҳар бир оилада куп гўшти пишпирилади, чучвара тайёрланади. Мугулларнинг эътиқодида, янги йил оқшомида қанча куп овқат ейилса, йил бўйи туқин-сочинлик, мул-қулчилик бўларкан. Бу ерда уйларга Қорбоёбо эмас, балки қулида бурнаки, чакмоқтош ва қамчи ушлаган чўпон кириб келадим. У учоқларга ут ёқиб кетади.

УЛ ШУНДАЙ ЗОНИКИ...

керак. Мабодо, онамиз бирон жойга меҳмонга кетсалар, отамдан тортиб, эмалиб юрадиган жиянчамизгача сурайверамиз, қўрайверамиз, қачон қайтишларини билсакда, яна, яна сурайверамиз. Меҳмондан қайтиб келгандаридан сўнг уйимизда байрам. Шодлигидан ҳатто қуёш ҳам ҳовлимизга энг куп нурини тукиб юборгандай бўлади. Осмон эса бағрини тўлдириб, эмин-эркин нафас ола бошлайди.

Баъзан уйлаб туриб хайрон қоламан. Нима учун онам бошқаларга ўхшамайдилар? Кўчани тўлдириб, ўтган-кетганини гийбат қилиб, вақтини бекор ўтказадиган хотинлардан бошқачалар. Бирон марта биз — болаларнинг ёнини олиб, ҳовлима-ҳовли юриб жанжал кўтармаганлар. Хайрон қоламан, негаки, улар энг аввало ўзимизни қойирдилар. Бизга эса баттар алам қилиб, йиғлардик. Энди бундай уйлаб қарасам, бу — энг одил ва энг тўғри тарбия экан. Қолаверса, инсон уз эрки, ҳуқуқи учун жавобгарлик ҳиссини ўзи тарбияловчи бўларкан. «Берсанг ейман, бермасанг...» каби хотинлардан фарқли улароқ волидамиз отажонимиз билан елкама-елка туриб меҳнат қилганлар. Умрлари фақат меҳнатга бахшида, бу инсоннинг қўлоти тилда зирак, қўллари оятин узук қўрмай, олтиндай уғилларим, тилодай қизларим бўлсин, деганлар. Илоҳим,

Оллоҳ ниятларига етказгани рост бўлсин!

Агар янгаларим иш билан банд бўлсалар, бекордан-бекорга бўлса ҳам ёнида юришимиз шарт. Онам уларнинг кўнгли ўксимасин, дейдилар. Бир кун онам янгаларимдан бирини қойиб берувдилар, у йиғлаб уйига кириб кетди. Ушанда Онамнинг келини орқасидан кириб гапирганлар қўлогимга қалиниб қолганди: «Қизим, онангиз ҳам хато қилсангиз қойган, шундай экан, мен ҳам онаман-ку, тўғри йўл қурсатсам хафа бўлманг...» Янгам яна ҳеч нарсаси бўлмагандек ишга унаб кетдилар. Қайнона-келин можароларини эшитсам, Онажонимга яна бир бор тасаннолар ўқийман. Ахир, муҳими инсонни тушуниш-ку.

...Она — қалби гузал шоира. Тафаккури теран адиба. Қалбида жўш урган туйғулари қозғога соладилар. Армон бўлган орзуларини сатрларга тўкадилар. Биз ҳижжалаб ўқийдиган ашъорларни тушунириб, изоҳлаб берадилар. Мен яна ҳайратда қоламан, 9 фарзандни оқ ўйиб, оқ тараб, бутун умри меҳнатда утайтган бу заҳматкаш аёл қалби нафосатга, зугулка ошно экан-ю, вужудида ШЕЪР ДАРДИ сиқанга. Жаҳоннинг энг зур адабларининг китобларини мутулаа қиладилар.

Дунёда одамларнинг яхши-ёмонларга ажралиши табиий жараён. Чунки, яхши-

ни ажратиш учун ёмон керак бўлади. Бу онамнинг фалсафаси. Яна айтадиларки, инсон яшадики, умрини бекорга ўтказмаслиги зарур. Кичкинагина бўлса ҳам яхшилик қилиш керак. Мен вақтини ҳудабехудага ўтказадиган одамларни, йўл четиди усаётган дарахтга ўхшатаман, на соя беради, на меваси бор.

Онам...Қўли гул бoғдон, ҳовлимиздаги ям-яшил дарахтлар жаннатдек товланади, гулдан-гулга учиб қувнаётган капалак онамга раҳмат айтаётгандек туюлади.

...Хўнарли уста, тандиру учоқ ясайдилар.

...Моҳир чевар, тиккан қўйлагу халатлари, қалпоғу жиякларининг саногини ўзлари ҳам билмайдилар.

...Санъаткор. Доирада шундай қўйлар ижро этадиларки, қаққон ҳаракатларидан қўллари зўрга илғаб оласан киши.

Энг муҳими вафодор рафиқа ва меҳрибон Она.

Ҳозир Ой қаро сочларини йиғолмай овера. Қуёш Узоқ кентда илм дардида тентираб юрган қизи — мен мактубимни тутатган пайтда, биламанки, Онажоним ҳам бедорлар...

Лола САОДАТОВА

Бу ажиб дунё

ЧАНГДА ЁТГАН
ХАЗИНА

Ҳиндистоннинг Биджапур деворлари ёнида юзлаб йиллардан буён ҳеч эътиборга лойиқ жойи йўқ қадимги замирак ётарди. У узоқ йиллар мобайнида қорайиб, чанг ёсиб кетган, шу сабабли ҳеч қим унча қизиқмасди. Қўнларнинг бирода маҳаллиси маъмулар архитектура ёдгорлиқларини аниқламоқчи бўлишди. Замирак таъмирловчиларнинг назарига тушди. Шунда бу қирол оддий эмас, балки ҳақиқатан ҳам оддий эканлиги, дейди тоза олтиндай қўнларнинг матулум бўлди.

Қутаймаган бу кайфият мамлакатда ҳақиқий шон-шувоса сабаб бўлди. Ахир, илмча олтин асрлар давомида барчанинг кўзи ўнгиди очик-ёшиқ ётганига ақл бовар қилмайдиган-да...

• Байрам баҳона...

КОРХАТ

Кунглим мамлакатининг султони — Сизга.
Салом!

Янги йилнинг — қорли айёмингиз муборак бўлмай. Оқдан-оқ тилакларимни қабул этинг. Ахир, қуришмаганимизга минг йиллар бўлди. Бизни ташлаб кетганингизда йўракда қолган чақалоқ (уғлингиз) энди қап-қатта йигитча. Ҳозир у енгинамда утириб, турли қозғолардан отасига уч-қич ясаётир. Сунг бу қорхатимизни ана шу учқичга жойлаб, Сиз томон йўллаяймиз.

...Ташқарида қор ёғаётир. Куксимнинг қовжироқ боғларига эса дил осмондан хотиралар ёғилаётир. Гоҳо уйга толаман: яхшиям хотиралар бор. Инсон баъзан шу хотираларга суяниб яшайди. Шунга ишониб, шу билан юпаниб яшайди!

Эсингиздами... Мен сизни ilk бор учратган уша кунни ҳам худди ҳозиргидек қор ёғиб турарди. Ушанда... Институтдан шундоққина наридаги ижарахонаси томон кетаётган қиз ноғоҳ елкасига урилган зарбдан қалқиб кетди. Кескин ортига ўтирилиши биланок, қор юмалоқлаб отган йигит унинг енида пайдо бўлади. «Кечиринг, мен анавунга отувдим...» Сал нарида эса бир йигит елкалари силкиниб-силкиниб куларди. «Ҳечқиси йўқ,

— деди қиз пичирлаб, — ҳечқиси йўқ...» Йигит енгил тортиб, жилмайди. Қиз ҳам. Шу қуйи хайрлашди. Қиз сал юриб, ортига ўтириди. Йигит ҳам унга қараб турган экан. Кузлар кузга тушди. Юраклар «жиз» этди.

Уша қиз мен эдим!

Уша йигит сиз эдингиз!

Кейин... Ярим йилча утиб, туй бўлди. Ҳамма туй билан оворая, сиз мен билан. Ҳар боққаннингизда кузларингиз порлаб, дилимга чўғ ташларди. Ёнардим... Бахтдан куксим ёрилиб кетмасайди, деб қўрқардим ҳам. Хонанда эса давра уртасида уша йилларда расм бўлган бир қушқини чўзиб-чўзиб, такрор-такрор айтарди:

— Пешонангга ёзганидан айрилма ёр...

Эх, меннинг пешонам... Ана, болам (уғлингиз) иштиниям ташлаб енимга келди, юзимга ҳайрон термулди. Ҳар гал йиги келса, куз ёшларимни унга курсатмасдим. Ҳозир тасодифан... Эсингиздами, мени фақат «йиглоқсан» дердингиз. Туйимиз кунни, сиздан энг яхши сўзларни эшитганимда, гоҳида аразлашсак, фарзанд қўрган кунимиз... Уша кезлар нега йиглаганимни ҳеч билолмасдингиз. (Сиз эркаклар биз аёлларни ҳаммавақт ҳам тушунавермайсиз). Аёлнинг қалби шу қадар ноҳик, шу қадар сирлики... Аёл ҳар соғина меҳрини соғиниб яшайди! Агар унга шу меҳрини берсалар, ҳалдан зиёд тортиқ этсалар у бу «юк»ни қутаролмайди. Кувониб, нозланиб, эркаланиб... йиглайди! Ҳа, аёл борки, у меҳрини интиқ, бахтга интиқ.

Бахт — узун қўйлакки қиз. Этакларидан атрофга ифорлар сочилади. Хуш ифорларни туйиб кунглилар яшнайди, япарди. Сархуш бўлади. Мен уша кезлар сархуш эдим. Кулиб туриб йиглардим, йиглаб туриб кулардим! Аммо... уша кунни жанжал нимадан чиққанини аниқ эсламан. Сиз ишдан кеч қайтдингиз. Кайфиятингиз бузуқ эди. Мен эса ҳали кечки овқатга уринмаганим. (Ҳомилдорликни жуда ёмон утказаетганим. Купинча кунлим беҳузур бўлиб ошхона енига йўлмасдим). Сиз «Нега овқат қилмадингиз?» деб бақира кетдингиз. Аҳволимни тушунтирсам, эшитишимни истамадингиз. Қайтага мени масхараб қилдингиз. Кунглим чўкди. Ич-ичимдан нимадир «чирт» этиб узилгандек бўлди. Сунг, жанжаллар купайди. Йилларлари ишдан қайтишингизни қанчалки муштоқ кутган бўлсам, энди эшик қўнғирогидан юрагим безилларди. Кузларингиздаги совуқ ифодани қўрмасам, дердим.

Бахт билан бахтсизликнинг ораси нақадар яқин экан. Сиз уйдан чиқиб ке-

тиб, мен зор қақшаб қолган уша муҳдиш кунни ҳеч эсламасам, дейман. Гоҳо узимни-узим суроққа тутаман: Нега бу ҳол юз берди? Айб қилма? Наҳот, энди болам «ота» деган сўзни бир умр тилга олмасдан усса! Шунга уйласам, тунлари уйкум қочади. Йиглайман, куз ёшларим ичимга оқади.

Баъзан нимадир ёзаман ҳам. Мана шу сатрларни ҳам ушанда...

Хазонли бир тунда юрар адашиб Аламзада кунглим.
(Кай томон борар?)

Еру-қук гирдибод, хотира — қуюн,
Билмас бу элларда тонг қачон отар?

...Хуш айём кунда Сизга утган кунларни эслаб, дилингизни хира қилаетганим учун авф этинг. Ахир хотираларга берилмоқ учун менга байрамдан бошқа кунларда вақт қасқда?! Кунга эрталаб боғчага, сунг ишга юрараман. Ишдан сунг бозор-учар... Болали олиб уйга келаман. Юмушлар ҳеч адо бўлмайди. Ора-сира вақт топиб, болали бувиси (онангиз)га олиб бораман. Ахир, неварасига муштоқ бўлиб утиради-да. Бувиси бола билан андармону мен бўлсам сиздан оғиз очармикин дея у кишига термуламан. Йук, бир суз деймайди сиз қақда. Биламан, «бу шўрликнинг дардини янгилаб нима қилман» деб уйлаласалар керак. Биз аёллар бировга озор беришни ҳеч истамаймиз. Ҳатто, ҳурлик жонимиздан утса ҳамки, жимгина... жимгина яшайверамиз. Неки дард бор, ичга ютаемиз. Табиат бизни шундай яратган. Бошқача бўлмаймиз.

Яқинда бир қўлимда зил-замбил рўзгорхалта, бир қўлимда углимни етаклаб бораётсам, қўшнимга рўпара келиб қолдим. «Сиз не ҳасратдаю, у бевафо бир хабар олай дейманди. Судга бериб, алимент ундириг, бир жазасини торсин» деди. Мен бўлса: «Бизга у кишининг пули эмас, ўзи керак» дедим. Уйга кирганимдан сунг ҳам шу гап ҳаёлимда айланаверди. «Муъжиза юз бериб, уйга қайтсалар-а» деб уйлалдим. Уйларимга узим ҳам ишондим. Ушандан бери ишонч билан ушлаб, умид билан уйғонаман. Тонгда куларимни дуога очиб: Э, Қодир Эгам!



Яратган бандаларинг кунглига инсофу диенатни жо эт. Уларни узинг турри йулга бошла, дея илтижо қиламан. Шу қуйи тонглар отаверади. Шу тахлит кунлар ҳам утаверали. Юрагимдаги умид лаҳза сайин буй тортиб, улгайди. Унга қараб узим-да қад ростлайман. Сунг уйлайман: «Шундай кунлар келар ҳали, бирам тоза, бирам хушбахт...» Соғинчларимни ушбу сатрлар Сизга етказгай:

Елғизлик устидан бир чизик тортиб,

Сиз билан кетади
Шикаста кунглим.
Елкамга ишончинг юқини ортиб,
Мен уша... энг ерут кунларга қайтгум!..

«Хайр» демайман. (Негадир шу суз-ни ёмон қураман).

х х х

Муҳтарам дўстим!
Уқганингиз, бу қорхат — бир аёлнинг дил изтироблари, ҳалос, Йук, йук... Аслида биргина аёлнинг эмас. Жуда кўп тақдирлар, утинчлар, нола-лар бор унда. Янги йил бошланди. Умр дафтаридан очилажак янги саҳифа ҳали олпоқ. Эртага унга нимаалар ёзиларкин?! Аёлнинг қисмати ўллари қай манзилларга уланган? Боши тошга тегиб, қўзи ёшга тўлаган Аёла қим таянч бўлади? Дардини эшитиб, дармон бўлаётчи қимса борми?! Бир оилани фожиадан асраб қолмоқ учун аслида қим кўпроқ масъул?! Мен, сиз, у — ҳаммамиз эмасми, ахир! Сиз Аёлага сўз беринг, имконлар беринг. Меҳр беринг, унга. Янги йилга тилакларим шу. Яна истайманик, қорхат (қорхатлар) эга-сизга тезроқ етиб бориш. Сўнг у муҳаббатнинг, садоқатнинг ранги бўлиб ортига қайтсин. Дунёимизни шу ранглар беазаб тўради, аслида. Сиз НИМА ДЕЙСИЗ?!

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Янги йил эшик
қоққандаҚАРЗ ОЛМАЙДИЛАР ҲАМ,
БЕРМАЙДИЛАР ҲАМ

Италияликлар янги йил кунлари асабийлашмасликка, яқин қариндош-уруғларни соғинамасликка, қарз олмасликка ва бермасликка, ҳар хил нохушликлардан четда бўлишга интилади. Шунда янги йилнинг қолган кунлари ҳам тинч, осуда ва яхши ўтаркан. Янги йил кунлари уйдаги эски мебеллар, турли яроқсиз буюмлар деразадан ташқарига улоктирилади. Янги йилда қизлар, одатда, ром очадилар. Бунинг учун бир бўлак қалайин эри-тиб, тоғорададаги сувга ташлайдилар. Агар қалай китобга ўхшаб шаклда қотса, қиз муаллим, журналист, ёки ёзувчиға турмушга чиқармиш; мабодо, болчагага ўхшаса, темирчи, слесар, ё бўлмаса машинасоэлик ва бошқа соҳа инженерига узадиларкан ва ҳоказо... Италияда янги йил оқшоми Қорбо-бо эмас, Бефана кампир уйма уй юриб, болаларнинг пойафзалига совға тўлдириб кетади.

ЎЗИГА

ЖСАЛБ ЭШТАН «ОЗОДЛИК»

Хурматли тахририят ходимлари!

Агар имкони бўлса газетангизда Нью-Йорк шаҳридаги Озодлик ҳайкали ҳақида маълумот берсангизлар.

Собит Нурмахашев, талаба.

Нью-Йоркда кўпчиликининг эътиборини узиға тортадиган нарсас — бу маҳобатли Озодлик ҳайкалидир. Маълумки, бунда озодлик машъаласини баланд қўтариб турган аёл рамзи акс этган.

Ҳайкал муаллифи франциялик ҳайкалтарош Фредрик Август Бартолди бўлиб, бу ёдгорлик Парижнинг машҳур Эйфел минорасини қўрган Густав Эйфелнинг дивайини асосида қад ростлаган. 1884 йил 5 августда яратилган бу 450 метр долларлик ҳайкални французлар икки давлат дўстлигининг рамзи сифатида Американинг Париждаги элчихонасига совға қилишган. 1886 йил 28 октябрда эса Озодлик ҳайкали Нью-Йоркка олиб келинади ва остига қўшимча пойдевор қўйилиб, урнатилди.

Ҳайкал қурилишга 88 тонна оғирликдаги, улчами 1,17 м² ҳажмдаги 300 та мис тунука ишлатилган. Баландга қўтариб турилган машъала ялтироқ кўроғосин

тошдан тайёрланиб, 1000 ваттлик лампочка билан ёритилган. Ҳайкал тожи тепасида чиқиб турган қирраларининг ҳар қисми 2,5 метрни ташкил этади. Ёдгорлик остига қўйилган пойдевор, яъни асос 50 метрни ташкил қилса, ҳайкалнинг ўзи 100 метрдан ошироқ. Хуллас, ҳайкалнинг умумий вазни 225 тонна бўлса, баландлиги 152 метр, диаметри эса 10 метр. Одамлар мунтазам равишда ҳайкалнинг тож қисмини зиёрат қилишга чиқишади. Ва тожда жойлашган 25 та деразадан атроф-муҳитни кузатишади. Зиёратта, томошага келган кишилар ҳайкалнинг ичида параллел равишда жойлашган пиллапоялардан тепага қўтарилишади. Ёки ҳайкалнинг бошланғич қисмида жойлашган лифддан фойдаланишади. Маълум бўлишича, тож қисмига 50 киши бемалол сиргаркан.

Шунингдек, машъала қўтариб турган қўл тарафга ҳам битта пиллапоа кетган. Машъаланинг гирдиға эса 12 киши жойлаша олади. Бироқ ҳайкалнинг бу қисми зафлашгани сабабли 1934 йилдан бошлаб, унга томон элтувчи йўл беркитилган. Ханузгача унга одамлар кириптилмайди.

Қизиги шундаки, ҳайкалнинг кийими ҳам мис тунукалардан тайёрланган.

1917 йилда ҳайкалнинг пойдеворига қўшимча ёритиш урнатилган. 1924 йилда Озодлик ҳайкали миллий монументга айлантирилди. Сифатли ишлов берилиб қўрилган улкан ёдгорлик 1938 йилда қайта таъмирланади. Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам ҳайкалнинг емирила бош-

лаши кузатилиб, дарҳол таъмирланган.


Агар тақдир тақозоси билан Нью-Йоркка йўлингиз тушса, албатта Озодлик ҳайкалини зиёрат қилинг. Шунда сиз ҳайкалнинг пойдеворига Эмма Лазарус томонидан ёзилган аjoyиб битикни ҳам ўқишга муваффақ бўласиз.

А. САФАРОВ тайёрлади

Бу ажиб дунё

«КУТҚАРИНГЛАР!»

Мана беш йилдирки, Турин (Италия) шаҳрилик Карло исмли жаноб кечапарни ухлоппай чиқади. Ахир, буйинг атиги 150 сантиметр, оғирлигини 50 кило бўлса, яна енингда 163 килопик хотиннинг пишпалаб ухлаб етса; бу ҳам етмагандай, унинг уйқусираб у ёнбошдан бу ёнбошга ағанаганган ода-ти бўлса; шунинг оқибатида утган беш йил ичида икки марта қовурганг, бир марта қўпинг снган бўлса, уйку қаекаа дейсиз. «Кутқаринглар!» деб сувга ажралиш ҳақида ариза қўтариб боришдан уза илож йўқ.



• Мучалингиз нима?

Ш О Л Ё Н О М А

Сизга тақдим этилаётган куйдаги мучал — оленомаси япон мутахассислари томонидан тuzилган.

Сичқон. Бу мучалдаги эркаклар мустахкам оила кура олади. Аёллар салпал уяж кўрингани билан, жудаям кўнгилчан. Японларнинг фикрича, сичқон мучалидагилар узгалар нигоҳида жозоба кашф эта олади. Доим икир-чикирлар билан овора бўлиб, ҳеч тинчмайди. Бир қараганда сичқон мучалидагилар босиқ, қувноқ ва вазмин кўринади. Аммо бу қувноқликда баъзан асабийлик ва беҳаловатлик яширинган бўлади. Улар бир ишни бошладим, охирига етказмай қўймайди. Ўзига пулни кўпроқ сарфлашни ёқтирсада, ундан қарзга пул олишни амримаҳол. Уларнинг сигир ёки маймун мучалидагилар билан курган никоҳи омадли келади. Аммо от мучалидагилар билан никоҳ куриши беқарор оиланинг юзага келишига сабаб бўлади.

Сигир. Узида куч ва меҳнатсеварликни муҳассамлаштирган. Бу мучалда тутилганлар сабрли, очикқўнгил. Ўз ишига фидойи. Ички хотиржамликка қарамай уларнинг характерида серзардалилик ва қизиққонлик бор. Муҳаббат унинг учун иккинчи даражали саналади. Улар энг барқарор никоҳни сичқон ва товуқ мучалидагилар билан тузиши мумкин. Ит, от ва айниқса кўй билан тuzилган никоҳ жудаям беқарор бўлади.

Йулбарс. Хиссиятга берилувчан. Сал худбинлиги бўлишига қарамай, мард бўлишади. Йулбарс мучалидаги кизлар эса

бетгачопар, тантқиқдир. Гарчи бу мучалдагилар ижтимоий ҳаётда муваффақият қозонолсада, нимадандир кўнгил тўлмай, жанжал қилаверади. Улар кўпинча ҳеч кимга ишонмайдилар. От ёки аждар мучалидагилар билан оила қуришса айни муддао бўлади. Аммо сигир, илон ёки маймун мучалидагилар билан оила қуриш тавсия қилинмайди.

Кўён. Табиатан кўроқ, иродасиз. Улар камтар, талантли, гапида турадиган кишилардир. У ўзи яшаётган жамиятни, жамият эса уни қадрлайди. Мижози мелонхолик бўлгани сабаб, ғам-аламга суяги йуқ. Кўён мучалидагилар кўй, тўнгиз мучалидагилар билан никоҳ курса бўлади. Аммо сичқон мучалидагилар билан қурилган никоҳ омадсизликка учраши мумкин.

Аждар. Меҳнатсевар бўлгани сабаб ўқиш ва ишда муваффақият қозонади. Бетгачопар бўлишсада, кўпчилик уларни ҳурмат қилади. Бу мучалдагилар айниқса иккиюзламачиликни кечира олишмайди. Аждар мучалидаги аёллар хуштабиат, чидамлидир. Уларнинг фикри билан ўртоқлашиш лозим. Сичқон, илон, маймун ва товуқ мучалдагилар билан мустахкам оила қуриб яшати мумкин. Аммо улар ит мучалидагилар билан чиқишолмайди.

Илон. Улар ақлан тийран бўлишади. Узгаларнинг фикрига ғумон билан ёндашгани боис, ҳамма ишни ўзи қилишга ҳаракат қилади. Қолаверса, омад ҳам уларга кўпинча кулиб боқади. Бу мучалдаги аёллар латофатли ва мағрур бўладилар. Сигир, аждар, сичқон, кўён, ит билан барқарор оила қуриши мумкин. Аммо тўнгиз ва йулбарс мучалидагилар билан аксинча...

От. Қувноқ, эзма, хушбичим бўлишади. Бу мучалдаги аёллардан яхшигина уй бекаси чиқиши мумкин. От доно, талантли ва барча ишларни ўзи

қилишни яхши куради. Муҳаббат учун барча нарсадан воз кечишга тайёр. Табиатан чидамсиз ва қайсар. Мустақил фикр юритишни ёқтиради, узгаларнинг маслаҳати-га қулоқ тутини эса ҳуш қўрмайди. Улар йулбарс, ит, кўй мучалидагилар билан мустахкам оила қуриши мумкин. Сичқон мучалидагилар билан оила қуриш тавсия қилинмайди.

Кўй. Хотиржам, камтар ва меҳнатсевар. Бу мучалдаги аёлларнинг диди зур бўлади. Аммо улар умидсизланувчан ва ҳаловатсиздир. Табиатан инжиқ. Улар жамиятга ёқини ва тез ҳурмат қозониш йўлини билишади. Кўён, тўнгиз, от мучалидагилар билан барқарор оила кура олиши мумкин. Сичқон, сигир, ит билан оила қуриш тавсия этилмайди.

Маймун. Табиатан серҳаракат. Японларнинг таъкидлашича, бу мучалда ҳоқсон генийлар туғилиши мумкин. Улар диққат ва узгаларда яхши таассурот қолдира олади. Билимга ўта чанқоқ. Тевадиратрофидаги воқеаларни тез илғайди. Шунингдек, хотираси мустахкам. Уларнинг муваффақият қозониши осон. Агар ҳафсала билан бир иш бошласа, аъло натижага эришади. Аждар ва сичқон мучалидагилар билан турмуши яхши кечади. Шунингдек, илон ёки тўнгиз билан ҳам. Йулбарс мучалидагилар билан оила қуриш тавсия этилмайди.

Товуқ. Меҳнатсевар. Мағлубият унинг руҳини тез туширади. У эътиборга тез тушишни ёқтиради. Доимо узини ва қилаётган ишини ҳақ деб ҳисоблайди. Очикқўнгил, шунинг учун гапини дарҳол юзингизга айтади. Керакли пайтларда у росткамига жасур ва баҳодирга айланади. Улар сигир, илон, аждар мучалидагилар билан бахтли бўлади. Сичқон, товуқ, ит айниқса, кўён билан чиқишолмайди.

Ит. Садокат ва вафодорлик рамзи. Бола тарбиясига алоҳида эътибор беради.

Каркидонлар фақат ут-уланлар билан озиқланишади. Туртбурчак шаклидаги лаблари утларни териб ейиш учун жуда қулай. Катта тишлари ҳам қаттиқ утларни қўприб ейишда асқотлади. У кўпинча сувга бўлган эҳтиёжини ҳам ут-уланлардан қондиради ва икки ҳафтагача сувсиз яшай олади.

Кейинги пайтларда бу ҳайвонларни-

кидонлар эса аксинча тажовузкордирлар. Ҳатто базилари йўловчи поездларга ҳужум қилганликлари тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Оғирлиги 2,5 тоннагача стабилган бу баҳайбат ҳайвонлар 35 мил тезлик билан чопа олади

КАРКИДОНЛАР

ва мускулларининг эгиловчанлиги сабабли ён томонга жуда тез бурилади.

Каркидоннинг ўзи сизга дуч келмасдан туриб уни учратишингиз мушкул, чунки у буталар орасида осонликча кўздан ғойиб бўлади. Агар эътибор бериб қузатсангиз, уларнинг устидаги сарғишқизил сайроқи қушларни осонликча пайқашингиз мумкин. Бу қушлар каркидоннинг қалин терисидagi ҳашарот ва пашшаларни териб ейиш билан кифояланади. Бундай ҳамкорлик иккиси учун ҳам фойдалидир. Каркидон касалликлардан фориғ бўлиш билан биргаликда, бу қуш ёрдамида айни вақтда хавфдан ҳам огоҳ бўлади. Чунки қушлар хавфни сезган заҳотиёқ қичқириб, узоқни кура олмайдиган каркидонларни огоҳлантиради.

нг мутузидан безак апёси ўрнида ва дори-дармон тайёрлашда фойдаланилмоқда. Африка мамлакатларида каркидон мутузидан тайёрланган дори-дармон қонашидан тортиб, илон чаққан кишиларга ҳам даво бўлишини аниқлаганлар. Дарҳақиқат, каркидон мутузиданнинг килоси 10-12 минг долларга баҳоланмоқда. Бу мўмай даромад каркидонларнинг қирилиб кетишини жиддий сабаб бўлаяпти. Улкан жуссали ҳайвонларни ўлдиришиб, мутузларини кесиб олганларидан сунг, уларнинг жасадлари инсонлар нафсининг очкузлиги ва чиркин ҳаракатлари ўлароқ Африка даштларида чириб бормоқда.

Туркчадан Довур ТУРОН таржимаси

Бу ажиб дунё

РИМ НЕГА ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ?

Римни гозлар қутқариб қолган бўлса-да, маълум вақт утиб бу империя барибир ҳалокатга юз тутди. Айрим тоқсоқолог олимларнинг фикрича, Римни ҳалокатга етаклаган бош сабабчи қурғошнинг экан. Қурғошнинг билан сирланган ндишлар, таркибиди қурғошнинг модаси бисер бўлган пардоз анжомлари Рим асподапарининг умрини эгавлаган. Натижада уларнинг уртача умри 25 ёшдан ошмаган.

Уларнинг дустлари кўп. Узгалар сирини сақлай оладилар. Садокати сабабли дустлари улардан хурсанд. Ўзи ҳақида кам ўйлайди. Кўпчилик туғлиниб турган жойларни ёқтиришмайди. Доим ҳаққонийлик тарафиди бўлишади. Улардан яхшигина раҳбар, арбоб ва тарбиячи чиқиши мумкин. Бу мучалдагилар нима билан шугулланмасин, ҳалол ишлайди. От, йулбарс, кўён мучалидагилар билан барқарор оила кура олади. Кўй мучалидагилар билан эса бунинг акси.

Тўнгиз. Тутуриқсиз ва телбанамо ҳатти-ҳаракат қилади. Дустлари кам бўлса-да, улар учун ҳамма нарсга тайёр. Кўп ўқигани билан муваффақиятга эришиши қийин. Улар баҳс ва жанжалларни ёмон қуришади. Ўзи меҳр қўйган кишиларни қадрлайди. Оилавий ҳаётда муаммолар кўп бўлади. Камтар ва уятчан, узгаларнинг ёрдамига таянмайди. Кўён ва кўй мучалидагилар билан омадли никоҳ кура олади. Маймун, айниқса, илон билан барқарор оила кура олмайди.

А. САФАРОВ тайёрлади

• Соғлом бўлай десангиз

30. ШИРШАСАН

Букилган одёл, гилам ёки ёстиққа тиззаларингизни букиб ўтиринг. Энди эса ўнг қўл бармоқлари чап қўл бармоқлари билан чатишган ҳолатда турсин. Шундан сунг қўлларни тирсаклар орқали полга мустахкам қилиб қўйинг. «Қулфланган» қўлларингизга мос равишда бошингизни ҳам полга қўйинг. Тиззаларни туғрилган ва оёқларингизни вертикал шаклга келтиринг. Тиззангиз оғирлигини тирсаклар, бош ва буйингизда мувозанатлаштиринг. Ўшбу асан давомида маромида нафас олинг ва кучингиз етгунича уша ҳолатда тураверинг.

Бу асани бажараётган асанларингизнинг бошида ёки охирида бажаринг. Шундагина қон айланиши маромида бўлади. Қуз, қулоқ, қон босими ва юрак ҳасталигига дучор бўлган кишилар Ширшасани бажармасликлари керак.

Фойдалари: Мунтазам машқлар хотирани жонлантиради. Соч туқилишидан сақлайди ва кўзни равшан этади. Жинсий органлар фаолиятини яхшилайди.

(Давоми бор)



ТУШЛАРНИНГ ШАРҚОНА ТАЪБИРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Чақалоқ (яланғоч) — зиён
Сой — нотинчлик
Бури — омад
Қушлар — фарзандлар
Бургут — бахт қўниши
Лайлак — мусаффолик
Шер — куч-қувват
Нарвон — талаға чиқиш
Драва — муридлик
Ойиқ эшик — умид қимок
Епиқ эшик — бахт боғлиқ
Қудуқ — тўсиқлик
Уст-бош — янги лавозим
Улиб қолиш — умрининг узоқлиги
Сут — ёруғлик
Қатик — дармонсизлик.

Мўйдинхўжа ТУРСУНЗОДА ўғли тўплади

• Кўзгудаги ўзимиз

БОЗОРДА ЎШИРТАН АЁЛ

Термиз темир йул вокзалидан «Юбилей», Карпов бозорлари орқали ҳар кун телестудиягача пиёда бораман. Ҳа, одамлар чехрасида чинакамига бугуннинг, эртанинг умидли ташвишлари ҳукмрон. Бугунги Термизнинг қиёфаси таоман бошқача. Ҳар кун кезадиган таниш кучангизнинг қаеридир ўзгариб қолгандек: ё дўконча, ёки, икки қаватли (пастиди қаҳвахона ёки дўкон) иморат қад ростлаб турганини кўрасиз... Эпирай, бунча тез қуришмаса. Ҳамма гап эркинликда экан-да? Ишбилармон ҳақи гайритабиий қаққонликни қандай ўзлаштириб олишаркин..?

— Келинг, иссиққина гуштли сомса-га!!!

Автобус бекатидаги аёлнинг шангиллашдан қалқиб тушиб, хаёлларим тўзғиб кетади.

Зум ўтмай иккинчи «ишбилармон аёл»нинг даъватли овози эътиборингизни тортади:

— Келинг, меники арзон... Кўй гуш-тидан, свежий.

Ҳадемай, учинчи таклифга дуч келасиз:

— Қаттиқлик қилманг, болаларингизга ширин печенье олинг. Чет эл сигаретаси бор. Пачкаси ўн беш сўм. Сўранг, арзонроқ қиламан!

Вокзал майдонини ўзларича бозор қилиб олган аҳли аёлга қараб, уйланиб қолдим: наҳотки, шу зах ерда утирганлар Ўзбекистоннинг эртанги келажигини туғиб, тарбиялайдиган аёллар бўлишса. Эрлари бормикан буларнинг ҳам? Агар бўлса, қанақа эркак экан улар?! Бир пайтлар белбоғ боғлаган, ханжар таққан ориятли эркаклармикан? Кўёш чиқмай зах жойда утирганларнинг эр-лари, болаларига ким нонушта берапти экан? Агар эрлари бўлса, уларда эрга хос равишдаги буюк туйғу бормикан? Ахир, «навиҳол аёл» қарам тўла қанорни буриб ерга текудек бўлиб вагондан кўтариб тушди-ю, чамамда, ўрмалаб «4» рақамли автобусга судраб чиқмоқчи бўлди. Унга на поезд, на автобусдаги пахлавонлар қумаклашишар-

ди. Момо Ҳавонинг эрта қариётган издошига йўловчилар ердан бериш у ёқда турсин, ижирганиб қарарди.

— Опа, ҳужайинингизни юбормабсиз-да? — қарам орқалаб чиқаётган аёлга ерданлашарканман ҳадиксираб савол бераман.

— Ҳужайиним улган!

— Худо раҳмат қилсин...

— Улганда яхшироқ бўларди. Менга тўртта дардисарни тўғдириб қўйиб, қамокда айланиб ўтирибди, алкаш...

Бошқа гапирибга юрагим бетламади. Йўловчилар дарёси «1» рақамли автобус томон оёққа қалқадди. Беихтиёр одамлар оқимидан ўзимни орқага олгандим, сомсафуруш аёлнинг тоғорасига урилдим.

— Каллаи саҳарлаб қай гурдан ичиб оласизлар-а?

— Опа, мен умуман ичмайман, кечирасиз... — узр оҳангидея сомсафурушга жавоб қайтардим. — Одамларга йўл берай деб...

— Негадир, танишга ўхшайсиз, сомсадан олинг...

— Ким билади... Одамлар «Замон оғир бўп кетди» дейдию қаерга қарама тўй. Бир-бирини суяб юрган мастлар-да кўп. Кеча кечқурун учтаси бошимни айлантиришди-е, — аёл эски қадрдонидек менга жаврай кетди. — Нима эмиш — ҳали эрга тегмаган қизлардек таранг эмишман... Тавба, бу қуриб кетгур эркак зоти кўчага чиқса суюлади, қолади. Булар қачон аёлдан тўркан-а? Қоронғуда савдони тугатиб уйга қайтпману, қўрқиб аъзои бада-нини қалтирайди. Ахир, мен улар уйлаган энгилтак аёл эмасман-ку!...

— Нега бир ўзингиз савдо қиларсиз? Сиз тайёрлаб беринг, ҳужайинингиз сотсин.

— Ишончи бўлман. Қиссасига озгина пул кирса, ичиб кайф қилади. Кейин уни қайси «мат одиночка»нинг уйдан топа-ман. Шу ётмай турувди, ўзи...

— Нега бир-бировларингизга ишонмай яшайсизлар, бирон жойда ишлайдими, эрингиз?

Аёлга саволим ёқмаса ҳам синиқ жилмайиб ҳомуза тартади. Қўлини сомса-

улган дастурхонга артиб жавоб қилади:

— Ишлар эди...

Ҳайдаб юборишди.

Уғирлик қилибди,

ишхонасида. Умуман, ўзим ташаббусни

қўлга олдим. У болаларга қарайди. Уни

олиб келади, керак бўлса, ҳамир қилади,

мен қарашиб юбораман. Сомсани пиши-

риб, кечқурун мени бозорга кузатиб қў-

ди-да, яна уйга кетади.

— Ўзи сотса-чи?

— Укажон, зиёли одамга ўхшайсиз, э-

малик қилманг. Мана сиз вақтимни олиб,

гапга соляпсиз, «клиент» қамайиб қоляп-

ти. Кўрпясизми, эркак савдо қилса бара-

ка қочади, энди тушунгандирсиз?...

Аёлдан анчагина йироқлашдим, ор-

тимдан ёшгина жувоннинг шангиллаган

кўпол овози ҳамон таъкиб қилиб борар-

ди: «Келинг, иссиққина,» «...Арзонгина»,

хаёлимда ўша аёл эрининг сиймосини чи-

за бошладим: «танбал, ароқхўр башара»

Беихтиёр, рўёга мурожаат қилгим келди:

— «Эй, ўзбегим, аёлингни қизғонсанг-

чи, барисига сен ўзинг айбдорсан...»

...Қўйдан 3-қаватга, у ердан биринчи

қаватга елиб-юғуриб соат кечқурунги беш-

булибди. Уйга қайтиш керак.

Яёв юриб «Юбилей» бозорига келдим.

Қандингизни ургурларей, шам ёқиб савдо-

сотиқ қилишарди. Саксон фоизи аёлла-

ру-қизлар. Қиз-амга конфет олган нон боз-

зорига ўтдим. Ие, мана бу 15 яшар қиза-

лоқ танишимнинг қизи-ку. Бир ўзи қорон-

гида бир сават нон билан нима қилиб

юрибди бу ерда? Тунда шаҳар кучалари-

да нима кўп — ҳар хил одам кўп. Фақат

пулини тортиб олиб, ўзини қўйиб юбо-

ришсаку, майли-я... Ундан бир жуфт нон

сотиб олдим.

— Уникини бекор олдингизда, қишло-

қига ўхшайсиз, — нарироқдаги 20-25 ёш-

ли жувон ялтироқ нонларини кўрсатиб

мақтана кетди. — Қўлингиздаги нонга дро-

жа кўп қўшилган, кучи йўқ. Меникига кели-

линг, ҳозиргина уздим, юмшоқ, иссиққина.

Мана, ушлаб кўринг...

— Кечаси кўркмайсизми, уйга қандай

кетасиз? — сўрайман ҳайронлигимни яши-

рломай.

— Ёнингизда пул бўлса, ботир бўла-

сиз, таксиди кетиш ҳам мумкин, — жувон

мени мот қилмоқчи бўлади. — Шу юрак

билан юрибсизми, ака? Роса ваҳимачи

экансиз-ку, бизларни бўри ермиди?

— Эрингиз урушмайдими, бемаҳалда

бозорда юрсангиз?

— Эрим йўқ, жавобини бериб юбор-

ганман. Бошимга урамани уни, — нон-

фуруш жувон боши очик эканлигидан чек-

сиз фахрланиб гапирди. — «Бевачили-

к — бекорчилик» дейдилар. Топар-тутари-

ни тайини йўқ латта эр кимга ҳам ке-рак? Унинг қўлига қараб, «урсанг ўла-ман, берсанг ейман» деб утирайми, эн-ди. У киши яна врач эмиш. Ажрашгунимизча қишда укасининг телпагини кийиб ишга борарди. Сал совуқ бўлса, пўкиллаб йўталади. «Олти йил нимага ўқиди-нг, ахмоқ» — дейдиган одам йўқ. Қизиқ замон бўлди. Боласи тенги чурвақалар ўзининг шахсий машинасида жазманларини уйнатиб ялло қилиб юрса-ю, у маҳсимча оқ халат кийиб олиб, тушликда тишининг кирини танаввул қилиб ўтир-са...

Сўхбатга қўшилмай ўтирган учинчи нонфуруш нуроний кампир ниҳоят ёрилди:

— Қизим, озгина тилингни тийсанг-чи. Бир аёллар борки, Оллоҳ унга фақат шукрлилик, қаноатлилик ато этган. Чолимнинг ун қўли йўқ. Ўттиз йилдирки менга, саккизта боламга, невараче-вараларимизга чап қўли билан раҳбарлик қилади. Сендака касофатларнинг уруғи қўлайиб борапти. Ўхири хайрли бўлсин, ишқилиб. Одамларнинг кўнглини, умидини ўлдирди, сенга ўхшаганлар.

Вайсаки жувон тутуқиб кетди:

— Э-ҳа, қайнонам яна тирилдим деб кўрқиб кетдим-а. Сиздай «дохий»лар минг йилда бир тугилиши керак-ку, хайронман, ёмон ҳовуннинг уруғидай ҳар қадмда насихаттўй! Қуриб кетинглар, сизлардек ипирикки фидоий бўлишни истамайман. Бирова кул, чўри бўлиш учун яралдимми, ахир!...

Бу ердан ҳам кетишга тўғри келди. Олисдан ҳофизнинг маҳзун кўнглига тачалли бергучи қўшиғи қўлоққа чалинади: «Момо Ҳаво меҳридан шул буюк ғам яралган...»

XXX

Вокзал майдони узра зах ерда чордана қуриб ўтириб олган табиатнинг мафтункор «муъжизалари» ёнидан лоқайд ўтиб кета олмайман сира. Чўнтагимдаги бурунги харидлар зарбидан омон қолган сўнги сўмларни гижимлаб бозорчи аёллар қаторига яқинлашаман. Ҳар гал эшитишни истамасам ҳам, қўлоқ пардаларимга бостириб кириб акс-садо берадиган ҳунук ва ёқимсиз жаргонлар янграйди:

— Келинг, иссиққина!...

— Биламан...

— Билсангиз келингда!...

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД

Янги йил эшик қоққанда

ИНТИҚЛИК БИЛАН МЕҲМОН КУТАДИЛАР

Шотландияликлар янги йилни байрамларнинг энг яхшиси деб ҳисоблайдилар. Шу кун байрам дастурхонига ёнгоқ мағзи ва майиз солиб пиширилган нонлар қўйиллади. Соат тунги 12 га занг уриш билан уйларнинг эшикларини панг очиб қўядилар. Бу оқшом ҳар ким оёғи тортган уйга эзгу ниятлар ва яхши тиллар билан қадам ранжиди қилиши мумкин. Оппа аъзолари хонадонларига ким биринчи бўлиб кириб келишини интиқлик билан кутадилар. Агар биринчи бўлиб ташриф буюрган меҳмон қора сочли бўлса, бу оппа йил буйи бахт-саодатли, фаровон ва туккин-сочин ҳаёт кечиради, деб ишонадилар.

Муассисларимиз:

Ўзбекистон

Республикаси

болалар

жамғармаси ва

«Соғлом азалод учун»

Халқаро хайрия

жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:
Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳамийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш
уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик
майдони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95

Алиҳон САФАРОВ

навбатчилик қилди

Обуна индекси — 64654

Руххатга олиш № 33

Буюртма Г-0573 23566 нусхада чоп

этилди. Офсет усулида босилди.

Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.